

Вазирлик хузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Шерзод Ташматов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Туркиянинг Белек шаҳрида ўқув-машғулот йиғинини олиб бораётган байдарка ва каноэчиларимизнинг лицензион мусобақага тайёргарлигини ўрганди

Жорий йилнинг февраль ойида Спорт вазирлиги ҳамда Миллий Олимпия қўмитаси хорижда шуғулланаётган терма жамоаларимизнинг шароитини ўргани. МОҚ раиси ўринбосари, Ўзбекистон Таэквондо ВТ ассосиацияси раиси, вазирлик хузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Шерзод Ташматов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Туркиянинг Белек шаҳрида ўқув-машғулот йиғинини олиб бораётган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича терма жамоаларимизнинг базасига бориб, спортчи ва мураббийлар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.



Шерзод Ташматов спортчиларнинг машғулотини бевосита кузатиб, уларга яратилган шароитлар, руҳий ва жисмоний ҳолатини ўрганди.



Шунингдек, мураббийлар штаби билан суҳбатда лицензион мусобақа учун шакллантирилаётган экипажлар, уларнинг имкониятлари бўйича фикр алмашилди. МОҚ раиси ўринбосари жамоага бўлажак турнирда муносиб

иштирок этиб, мамлакатимизга Олимпия ўйинларининг йўлланмалари билан қайтишларини тилади.